



# Tadbirkorlik faoliyati, uning rivojlanish shart-sharoitlari

---

**Режа:**

- 1. Тadbirkorlikning mo'hiyati va xususiyatlari.***
- 2. Тadbirkorlikning turlari.***
- 3. Тadbirkorlik va xususiy mulk.***
- 4. Mulkning shakllari va ular ўrtasidagi nisbat.***



# 1.Тадбиркорликнинг моҳияти ва хусусиятлари.

---

**Тадбиркорлик** – бу товарлар ишлаб чиқариш ва хизматлар кўрсатишга йўналтирилган манфаатли ишлаб чиқариш фаолиятини ташкил этишдир.

Тадбиркорлик фаолиятининг асосини мулкчиликнинг **хусусий, акционер, давлат, кооператив** шакллари ташкил этади.

Тадбиркорлик фаолиятининг **субъектлари** сифатида жисмоний шахслар (мулкдорлар ва ёлланма ишчилар), фирмалар, давлат институтлари намоён бўлишади.



# 1. Тадбиркорликнинг моҳияти ва хусусиятлари.

**Тадбиркор** (мулкдор) ер, меҳнат ва капитал ресурсларини — товарлар — ва — хизматлар — ишлаб чиқариш жараёнига бирлаштиради.

**Ёлланма ишчилар** ўз манфаатларини (даромад олишни) тадбиркорлик корхонасида шартнома асосида мажбуриятларини бажариш орқали амалга оширадилар.

**Давлат институтлари** бевосита бозорга манфаатли таклифлар билан чиқишса тадбиркорлик фаолиятининг тенг ҳуқуқли ҳамкори ҳисобланадилар: корхоналарга давлат буюртмаларини бериш, нархларни ўрнатиш, махсус ишларни бажаришда бериладиган имтиёзлар таркиби ва ҳажмини белгилаш.



# Якка ва жамоа тадбиркорлиги.

---

**Якка** тадбиркорлик шахсий даромад ёки фойда олишга йўналтирилган бўлади. П. Самульсоннинг таъкидлашича, ягона мулкдор бўлиш учун ҳеч кимдан рухсат сўрамаслик лозим. Якка тадбиркор ўз номидан иш кўради ва таваккал қилади.

**Жамоа** тадбиркорлигида хўжалик операциялари жамоа субъектлари томонидан амалга оширилади. Бунинг учун корхона ташкил этилади.



# Якка тадбиркорлик (ташкилий шакл сифатида)

## *Фаолиятидаги афзалликлари*

- қарорлар қабул қилишдаги мустақиллик
- фойда олишда ягона хўжайин бўлиш
- бухгалтерия ҳисобини юритишнинг соддалиги
- корxonани очиш ва бекор қилиш жараёнининг оддийлиги

## *Фаолиятидаги камчиликлар*

- чекланган масъулият



## Замонавий тадбиркорликнинг амал қилиши қулай ижтимоий-иқтисодий муҳит билан боғлиқ. Мазкур муҳит давлат томонидан яратилади ва у қуйидагиларда намоён бўлади:

---

- давлат томонидан тадбиркорликни қўллаб-қувватлашга қаратилган ижтимоий-иқтисодий сиёсатнинг барқарорлиги;
- тадбиркорлик соҳасига молиявий ресурсларни оқиб келишига кўмаклашувчи имтиёзли солиқ режими;
- тадбиркорлик инфратузилмасининг ривожланиши: инновация марказлари; янги иш бошлаётган тадбиркорларга ёрдам кўрсатувчи махсус фирмалар; бошқарув, маркетинг, реклама масалалари бўйича маслаҳат марказлари; тадбиркорларни тайёрловчи курслар ва мактаблар;
- интеллектуал мулк ҳуқуқини самарали ҳимоя қилувчи тизимларни ишлаб чиқиш, жамоатчиликнинг тадбиркорлик фаолиятига ижобий муносабатини шакллантириш.

## 2. Тадбиркорликнинг турлари.

---

### Корхонанинг ташкилий-ҳуқуқий шакллари

1. Якка корхона

Кичик ва ўрта корхоналар

2. Ўртоқлик жамияти

Кичик ва ўрта корхоналар

3. Акционер жамият

Йирик корхоналар



## Кичик корхона (умумий тушунча сифатида)

### *Фаолиятидаги афзалликлари*

- мослашувчанлик ва тез ривожланиш
- кичик ҳажмдаги капитал қўйилмалар
- қисқа муддатда техник қайта қуролланиш
- инновацияларни тезда жорий этиш
- ишчан муҳит

### *Фаолиятидаги камчиликлар*

- фаолиятининг бошланғич босқичларидаги ёпилиш хавфи





## 2. Тадбиркорликнинг турлари.

---

**Жаҳон амалиётида тадбиркорлик фаолиятининг ташкилий-ҳуқуқий шакллари:**

- **тўлиқ ўртоқлик жамияти;**
- **масъулияти чекланган жамият;**
- **коомандит (аралаш) ўртоқлиги;**
- **акционер жамият.**



**Тўлиқ ўртоқлик жамияти.** Тўлиқ ўртоқлик жамияти мулкдорларнинг бошқарувдаги тўғридан-тўғри қатнашувига асосланган корхонани ташкил этиш шакли ҳисобланади.

Тўлиқ ўртоқлик учун хос хусусиятлар:

- ўртоқлик мажбуриятлари бўйича барча аъзоларнинг чекланмаган масъулияти;
- аъзоларнинг биргаликдаги мулки;
- ташкилий структуранинг барқарор эмаслиги.



**Масъулияти чекланган жамият** – бу корхонани ташкил этишнинг шундай шаклики, унда ҳар бир қатнашчи корхонанинг устав капиталига муайян пай бадали киритади ва ўз ҳиссаси доирасида чекланган масъулиятга эга бўлади.

Масъулияти чекланган жамиятга хос хусусиятлар:

- ўз мажбуриятлари бўйича мулки доирасида жавобгарлик, чунки аъзолар фақат бадаллари доирасида жавобгарликка масъулдирлар;
- юридик шахс мақомига эга эканлиги;
- фаолиятининг давлат томонидан акционер қонунчилиқ меъёрларига мувофиқ тартибга солиниши.



## **Коомандит (аралаш) ўртоқлиги.**

Коммандит ўртоқлиги корхонани ташкил этишнинг шундай шаклики, унга мувофиқ чекланган ва чекланмаган маъсулият биргаликда қўлланилади.

Коммандит ўртоқлигида икки турдаги қатнашчи мавжуд – коммандитлар (мажбуриятлар бўйича ўз бадаллари доирасида жавоб беришади) ва тўлиқ ўртоқлар (барча мулк бўйича жавоб беришади).



## Ўртоқлик жамиятлари (ташкилий шакл ва унинг турлари сифатида)

<b><i>Тўлиқ ўртоқлик жамияти</i></b>	
	•қатнашчиларнинг тўлиқ ҳамкорликдаги жавобгарлиги
<b><i>Масуълияти чекланган жамият</i></b>	
	•корхона капитали билан чекланган жавобгарлик
<b><i>Коммандит (аралаш) ўртоқлиги</i></b>	
<ul style="list-style-type: none"> <li>Тўлиқ қатнашчилар</li> <li>•тўлиқ жавобгарлик</li> </ul>	<ul style="list-style-type: none"> <li>Коммандитлар</li> <li>•бадаллари доирасида жавобгарлик</li> </ul>

**Акционер жамият** тадбиркорликнинг ташкилий-ҳуқуқий шакли сифатида жаҳон амалиётида XVII асрнинг охирларида пайдо бўлган ва ривожланган бозор иқтисодиётида жуда кенг тарқалган.

**Акционер жамият** – бу маблағлари акцияларни чиқариш ва сотиш орқали жамғармаларни бирлаштириш йўли билан ташкил этиладиган корхона шаклидир. Акционер жамият аъзолари (акционерлар) улушлари доирасида масъулиятга эгадирлар.

### **Акционер жамиятга хос хусусиятлар:**

- юридик шахс мақоми;
- мажбуриятлар бўйича барча мулк билан жавобгарлик;
- акционер жамият мулкининг алоҳида акционерлар мулкидан алоҳидалашуви;
- муайян акциялар сонига бўлинган устав капиталининг мавжудлиги.

## Акционер жамият (ташкилий шакл сифатида)

### *Фаолиятидаги афзалликлари*

- йирик молиявий ресурсларни жалб этиш имконияти
- акционерларнинг қўйилган маблағлар бўйича рискларининг чекланганлиги
- бошқарувда профессионал менежментдан фойдаланиш

### *Фаолиятидаги камчиликлар*

- бюрократлашиш
- акционерларнинг акционер жамият фаолиятини назорат қилишдаги камчиликлари
- менежерларнинг акционер жамият ва акционерларга зарар келтиришлари
- акционер жамият фойдасидан икки марта солиқ олиниши
- корхонани ташкил этиш ва бекор қилишдаги юқори харажатлар



Акционер жамиятни бошқариш  
икки ва уч босқичли таркибга эга.

Икки босқичли таркиб акционерларнинг умумий йиғилиши ва бошқарувдан (ижроия дирекцияси) иборат.

Уч босқичли таркибда унга яна кузатиш кенгаши ҳам қўшилади.





Акционер жамиятнинг устав капитали икки йўл билан шакллантирилади: акцияларни очик сотиш ва акцияларни таъсисчилар ўртасида тақсимлаш.

Биринчи ҳолатда **очик турдаги** акционер жамиятлар, иккинчи ҳолатда эса **ёпиқ турдаги** акционер жамиятлар юзага келади.

**Акция** – бу акционер жамиятда қатнашишни таъминловчи ва унинг фойдасидан улуш олиш имконини берувчи қимматбаҳо қоғоздир. Акциядан келадиган даромад **дивиденд** деб аталади.



Акциялар сотиладиган ва сотиб олинадиган нарх **акция курси** деб юритилади.

$$\text{Акция курси} = \frac{\text{Дивиденд}}{\text{Банк фоизи}} \times 100$$

Акция курси билан акционер жамиятнинг таъсисчилари оладиган таъсис фойдаси ҳам ўзаро боғлиқ. **Таъсис фойдаси** акциянинг курс қиймати билан акционер корхонага ҳақиқатда сарфланган капитал ҳажми ўртасидаги фарққа тенг.

Акцияларнинг турлари кўп. Улардан энг асосийлари эгаллик ва тақдим этувчига, оддий ва имтиёзли.

**Эгаллик (именная)** акция акционер жамият китобига ёзиб қўйиш орқали муайян шахсга бириктириб қўйилади. Одатда эгаллик акциялар корхона ишчилари учун чиқарилади.

**Тақдим этувчига** акцияси унинг ҳақиқий эгасига тегишли бўлади ва аниқ бирон шахсга бириктириб қўйилмайди. Акцияларнинг бошқа шахсга берилиши автоматик тарзда эгасининг ўзгаришини билдиради. Унга мазкур корхонада ишламаётган шахс ҳам эгаллик қилиши мумкин.

Дивидендлар ҳажмини аниқлаш ва тўлаш тартиби бўйича оддий ва имтиёзли акциялар фарқланади.

**Оддий** акциялар ўз эгаларига акционер жамият фаолиятининг натижаларига боғлиқ ҳолда дивиденд олиш ва акционерларнинг умумий йиғилишида овоз бериш ҳуқуқини беради.

**Имтиёзли** акцияларда дивиденд олдиндан белгилаб қўйилган тартиб бўйича берилади. Уларнинг имтиёзли деб аталишга сабаб акционер жамият бекор қилинган ҳолларда муайян сумма биринчи навбатда мазкур акциялар бўйича бўлинади. Аммо имтиёзли акция эгалари акционерларнинг умумий йиғилишида овога эга эмаслар.



Акционер жамиятни бошқариш имконини берувчи акциялар сони **акцияларнинг назорат пакети** деб аталади.

Назарий жиҳатдан назорат пакети чиқарилган акцияларнинг 50 фоизи ва плюс битта акцияга тенг. Амалиётда эса 5-10 фоиз (баъзан ундан кам) акцияларга эгалик қилиш акционер жамият ишларини бошқариш учун етарли ҳисобланади.

Акциялар тўлиқ тўланган ҳолларда акционерга унга тегишли барча акциялар учун сертификат берилади.

Акциялар сертификати унда кўрсатилган шахсга жамиятнинг муайян акциялари тегишли эканлигини билдирувчи қимматбаҳо қоғоздир.

**Облигация** – эгасига қайд этилган фоизни (бунда улар имтиёзли акцияларга ўхшаш бўлади) олиш ҳуқуқини берувчи қимматбаҳо қоғоздир.

Охирги вақтларда жаҳон амалиётида конвертациялашадиган облигациялар, яъни акцияларга алмаштирилиши мумкин бўлган облигациялар кенг тарқалди.



## Бирлашган корхоналар

Умумий тавсиф	Стихияли тартиб ва иерархия элементларининг аралашмаси
Ташкилий шакли	Картеллар, синдикатлар, концернлар, молия-саноат гуруҳлари
<b><i>Фаолиятидаги афзалликлари</i></b>	
•йирик молиявий ресурсларни аккумуляция қилиш имконияти	
•инвестицион фаолият учун қулай шарт-шароитлар	
•рақобатбардошликнинг ортиши ва экспансия имкониятлари	
•ресурсларни тармоқлараро қайта тақсимлаш имконияти	
•илмий тадқиқот тажриба-конструкторлик ишларини (НИОКР) қўллаб-қувватлаш	
<b><i>Фаолиятидаги камчиликлар</i></b>	
•монополияга интилиш	
•жамиятда ҳокимият функциясини олиш имконияти ва унга интилиш	

## Давлат - тадбиркор

### *Фаолият соҳалари*

- мамлакатнинг иқтисодий ва ҳарбий ҳавфсизлиги учун муҳим тармоқлар
- табиий монополиялар
- зарар кўриб ишлайдиган тармоқлар





### 3. Тадбиркорлик ва хусусий мулк.

---

**Мулк** – у ёки бу буюмнинг кимга тегишлилигини белгиловчи кишилар ўртасидаги муносабатлардир.

Тадбиркорлик фаолияти учун ишлаб чиқариш воситаларига (ерга, ишлаб чиқаришда иштирок этувчи биноларга, иншоотларга, асбоб-ускуналарга) нисбатан бўлган мулкчилик муносабатлари муҳим аҳамият касб этади. Бу муносабатлар жуда муракаб ва кўп қирралидир, аммо уларда учта ўзаро боғлиқлик қирраларини ажратиб кўрсатиш мумкин.

## Ишлаб чиқариш воситаларига нисбатан мулкчилик муносабатлари

ишлаб  
чиқариш  
воситалар  
ини  
ўзлаштир  
иш


- Эгаллик қилиш
- Фойдаланиш
- Ишлаб чиқариш

ишлаб  
чиқариш  
воситалар  
идан  
фойдалан  
иш

ишлаб  
чиқариш  
воситалар  
ини  
иқтисодий  
реализац  
ия қилиш

Мулк турларини икки хил кўрсаткич бўйича таснифлаш мумкин: а) субъекти бўйича (ким эгаллик қилади) ва б) объектига кўра (нимага эгаллик қилади). Иқтисодиёт учун биринчи турдаги таснифланиш муҳим. Бу кўрсаткич бўйича иқтисодиётда хилма-хил мулк турларини учратиш мумкин. Аммо уларнинг ҳаммаси мулкнинг асосий икки туридан келиб чиққан: хусусий ва жамоат мулки.

Хусусий мулк асосан икки шаклга эга: фуқаролар мулки ва фуқаролар томонидан ташкил этилган юридик шахслар (корхона, фирма) мулки. Жамоа мулкининг икки асосий тури бор. Мисол учун Россияда уни (1) давлат мулки ва (2) маҳаллий мулк - шаҳар ва қишлоқ ўз-ўзини бошқариш жамоаси мулки.






Жаҳонда мукаммал мулк шакли  
йўқ. Тарихан тадбиркорликда ҳам  
ҳаётда ҳам хусусий мулк ўзининг  
афзаллик жиҳатлари билан ажралиб  
туради.

Биринчидан, у аниқ эгасига эга  
бўлиб одамларни меҳнат қилишга  
рағбатлантиради. Иккинчидан, у ҳар  
бир инсон ҳаётининг асосини ва  
моддий бойлигини ташкил қилади.


Ижобий  
хусусиятл  
ари



- меҳнат қилишга ундайди;
- моддий бойлик асоси;
- шахсинг эркинлиги ва мустақиллиги кафолати;
- мулк эгасининг маънавий қониқиши

**Хусусий  
мулк**

Салбий  
хусусиятл  
ари




- одамларда индивидуализмни, шахсий эгоизмни ривожлантиради;
- жамиятда ижтимоий зиддиятларни келтириб чиқаради

---

Мулк объекти бўйича моддий, интеллектуал ва бошқариладиган мулк турларига бўлинади.




Моддий мулк – бу нисбатан анъанавий ва таниш бўлган моддий объектларга (ер, корхона, асбоб-ускуна, пул ресурслари, уйлар ва х.к.ларга) эгалликдир. Мулкдорлар ер, фабрика эгалари, савдогарлар ва бошқа тадбиркорлар кўринишида бўлади.



## 4. Мулкнинг шакллари ва улар ўртасидаги нисбат.

---

### Мулк турлари

- Моддий мулк 
- Интеллектуал мулк 
- Бошқариладиган мулк 

### Мазмуни

**Моддий объектларга (ишлаб чиқариш воситалари ва истеъмол маҳсулотларига) эгаллик қилиш**

**Ақлий объектларга (билим, фоя, ахборот ва х.к.) эгаллик қилиш**

**Жамоа ҳаётини бошқариш ҳуқуқи**





# Корхоналарнинг асосий турлари ва уларни қисқача таърифи

<b>Корхона турлари</b>	<b>Корхона мулки</b>	<b>Иқтисодий жавобгарлиги</b>
<b>Хусусий корхона</b>	<b>Якка шахсга тегишли бўлади</b>	<b>Чекланмаган</b>
<b>Ўртоқлик</b>	<b>Иштирокчилар ўртасида бўлинган</b>	<b>Чекланмаган ёки чекланган</b>
<b>Акционерлик жамияти</b>	<b>Акционерлар харид қиладиган қисмларга бўлинган</b>	<b>Чекланган</b>
<b>Унитар корхона</b>	<b>Бўлинмас: давлат ёки маҳаллий ҳокимиятга тегишли, тадбиркорга фойдаланиш учун берилади</b>	<b>Чекланган</b>



---

Хўжалик юритиш шаклини танлашнинг асосий мезони трансакцион харажатлар ҳажми ҳисобланади.

**Трансакцион харажатлар** – бу бевосита ишлаб чиқариш билан боғлиқ бўлмаган харажатлар бўлиб улар сотиш ва ҳарид қилиш, ишлаб чиқаришни ташкил этиш билан боғлиқ бўлади.

## Трансакцион харажатлар

- ҳамкорлар тўғрисида маълумот тўплаш;
- шартномалар тузиш;
- мулкчилик ҳуқуқига аниқликлар киритиш ва уни ҳимоя қилиш;
- маркетинг ва реклама харажатлари

## Фирмаларни самарали фаолият кўрсатиш сабаблари

Ресурсларни харид қилишни самарали амалга ошириш орқали маблағларни тежаш;

Ҳамкорларни ўйин қоидаларига риоя қилмаслиги (“оппортунистик ҳаракат”) хатарини пасайтириш бўйича чора—тадбирлар;

Фирманинг мослашувчанлик қобилияти (кутилмаган вазиятларга юқори даражада мослашувчанлиги)

## Фирмани самарасиз фаолияти сабаблари (хажми ўсган ҳолатларда)

- бошқариш назоратини йўқолиши;
- иерархия даражаси ошганда ахборот мазмунининг бузилиши;
- йирик фирмада мотивациянинг пасайиши;
- қўшимча ҳисобга олишни жорий этиш зарурати



## Ўзбекистонда ялпи ички маҳсулотнинг мулкый таркиби, 2006 й. (% ҳисобида)

Жами	100
Давлат	22.2
Нодавлат	77.8
Шу жумладан:	
Фуқаролар	33.1
Хўжалик бирлашмалари	24.6
Қўшма корхоналар	8.6
Фермер ва деҳқон хўжаликлари	7.3
Нодавлат мулкининг бошқа турлари	4.2

# Рўйхатга олинган хўжалик субъектларини мулк шакллари бўйича тақсимланиши, 2007 йил 1 июль, % ҳисобида



## Давлат ва нодавлат секторларининг улуши январь - июнь 2007 й., % ҳисобида

Жадвал

	Давлат сектори	Нодавлат сектор
ЯИМ	24,7	75,3
Саноат маҳсулоти	19,8	80,2
Чакана товар айланмаси	0,2	99,8
Ташқи савдо айланмаси	15	85
Аҳолига пуллик хизматлар	24,9	<b>75,1</b>
Иқтисодиётда банд бўлганлар сони	22,3	77,7
Қурилиш ишлари	<b>11,6</b>	88,4
Қишлоқ хўжалик маҳсулотлари	0,1	<b>99,9</b>
Алоқа	3,4	96,6
Транспорт	55,9	44,1

Манба: ЎЗР Давлат статистика қўмитаси



## Иқтисодиёт тармоқлари бўйича маҳсулот (иш, хизматлар) ҳажмида кичик тадбиркорликнинг улуши январь – июнь 2007 йил, % ҳисобида





# Хусусий секторнинг кичик тадбиркорлик маҳсулотлари (иш, хизматлар) ҳажмидаги улуши январь – июнь 2007 йил, % ҳисобида

